

2007-2 сон

Муқаддам амнистия актига асосан жавобгарликдан озод қилинган шахсга нисбатан амнистия акти такроран нотўғри қўлланилган.

Жиноят ишлари бўйича Улуғнор туман судининг 2005 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра, Т. Жиноят кодексининг 112-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актининг 2-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

Суд ҳукмига кўра, Т. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

Т. 2005 йил 24 июнь куни отаси ҳамда терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан Бўз тумани ИИБ терговчиси А.ни учратишиб, унга 2003 йил 30 декабрдаги йўл транспорт ҳодисаси натижасида вафот этган Б.га оид иш юзасидан қабул қилган қароридан норози эканликларини билдиришган ҳамда уни ва оила аъзоларини ўлдириш билан кўрқитишиб, қасддан боши ва танасининг бошқа жойларига уришиб, унга енгил шикаст етказишган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2006 йил 13 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари назорат тартибида келтирган протестда суд қарорларининг Т.ни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш қисмини бекор қилиш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирди.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, Т.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилишган бўлса-да,

бирок Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 2-моддасини қўллашда, унинг таъсир доирасига тушувчи шахсни жазодан озод қилишда муқаддам амнистия тартибида жазодан озод этилганларга нисбатан бу модда қўлланилмаслиги ҳақидаги мазкур қарорнинг 7-моддаси «а» банди талабига риоя қилмаган.

Иш материалларидан кўринишича, муқаддам Т.га нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши дастлабки тергов органи томонидан 2000 йил 28 августдаги амнистия актига асосан тугатилган.

ЖСҲ-321-06 сонли ажрим